



XASR



IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан чида бошлаган.
e-mail: axborotXlasr@yahoo.com.
web sayt: www.2lasr.uz

2013 йил 24 октябрь,
пайшанба, 43 (519)-сон

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI



«Тўртинчи ҳокимият» қўллаб-қувватланаверади

3 ИСЛОҲОТ



Оилавий бизнесга катта эътибор

5 ҚҲЙИ БЎҒИНЛАРДА



Ҳамкорликнинг юксак самаралари

7 ХАЛҚАРО ҲАЁТ

Ўзбекистон Президентининг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида иштирокига доир

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2013 йил 24-25 октябрь кунлари Минск шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этади. Мажлисида МДХ доирасидаги қўшма тарафларнинг янада ривожлантиришига доир қатор муҳим масалалар қўриб чиқилади.

Аниқ натижага йўналтирилган бюджет тизимининг яхлит ҳуқуқий асоси

▼ O'ZLiDeP ФРАКЦИЯСИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан маъқулланган «Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида» ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаларига O'zLiDeP фракцияси аъзолари шундай таъриф бераётганлар

Айни пайтда барча соҳа ва тизимларда амалга оширилган ислохотлар мазмун-моҳиятини таҳлил қилсак, унинг замирида ислохотлик ва босқичма-босқичлик тамойили мужассам эканини кўрамиз. Ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ҳуқуқий асосини белгилаб берувчи қонунчилик тизими ҳам шу йўналишда ривожлантирилмоқда. Демак, давлат бюджетини режалаштириш ва шакллантириш, ижро этиш ва назорат қилиш жараёнини яхлит кодекс орқали тартибга солиш масаласининг кўп тартибга қўйилганлиги ҳам ана шу тамойилнинг амалдаги ифодасидир.

2 ►►

Тadbirkorлар ҳуқуқий эксперимент жараёнини қандай баҳоламоқда?

«Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази томонидан Самарқанд ва Бухоро вилоятларида «Тadbirkorлар «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасини синовдан ўтказиш бўйича ҳуқуқий тажриба ҳақида» мавзусида ижтимоий сўров ўтказилди

Энг аввало, сўров натижалари тadbirkor ва ишбилармон юрtdoшларимизнинг мазкур қонун ва уни синовдан ўтказиш тажрибаси ҳақида етарлича маълумотга эга эканлигидан далолат берганини таъкидлаш жоиз.

Аксарият тadbirkorлар (90,3 фоиз) «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»

да»ги қонун лойиҳасининг 6-моддасида ушбу органлар фаолиятига оид асосий ахборот манбалари камраб олинганини, шу билан бирга, қонун лойиҳасининг 7-моддасига ахборот хизматлари фаолиятини янада яхшилаш бўйича тақлифлар киритилганини маълум қилганлар.

2 ►►

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:

Тadbirkorлар учун қўшимча имтиёзлар яратган мазкур қонун билан амалдаги меъёрий ҳужжатларга 9 та янгилик киритилган бўлса, унинг 7 таси айнан O'zLiDeP электорати вакилларининг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига қаратилгандир.

Энг муҳими, янги қонун асосида тadbirkorлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги принципи барча қонунларга киритилмоқда.



Солққ. ЗОИР олган суратлар

Электорат талаб ва таклифи сўзсиз инобатга олинади

O'zLiDeP фракцияси ташаббуси билан «Тadbirkorлар мулоқот форуми» лойиҳаси доирасида ўтказилган навбатдаги очиқ мулоқот «Хусусий мулкни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари, амалдаги қонунчилик ва уни такомиллаштиришнинг долзарб масалалари»га бағишланди

Фракция аъзолари, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари депутатлари, фракция қўшилаган экспертлар гуруҳи аъзолари ҳамда Тошкент шаҳри ва пойтахт вилояти тadbirkorлари қатнашган тадбирда асосий эътибор «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг жойлардаги ижросига қаратилди.

3 ►►

ПАРТИЯВИЙ ПойиқДА

«Аёллар қаноти» имкониятлардан унумли фойдаланяпти

2013 йилнинг ўтган даврида O'zLiDeP «Аёллар қаноти» ташаббуси билан ишлаб чиқилган партиявий лойиҳалар доирасида ташкил этилган тadbirkorлар фаол иштирок этиб, ғолиб бўлган 180 нафар қатнашчи тижорат банкларининг 3 млрд. 888 млн. 70 минг сўм миқдордаги имтиёзли кредитларини олишга муваффақ бўлди

«Обод турмуш» йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда фаол иштирок этаётган O'zLiDeP томонидан йил бошидаёқ партиявий лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратилгани чиндан ҳам салмоқли натижаларга олиб келди. Энг муҳими, бундай ташаббуслар тadbirkorларнинг янги авлодини шакллантиришга хизмат қилапти.

Опа-сингилларимизни қизиктираётган партиявий лойиҳалар худудларда миш-мишгаб янги иш ўринлари яратишга замин бўлмоқдаки, бунда, шубҳасиз, Марказий банк билан партия ўртасидаги ҳамкорлик асосий омилга айланганини таъкидлаш жоиз. Шу ўринда «Онлавий тadbirkorликдан — мустаҳкам онлага» лойиҳаси тadbirkorликка қўл ураётган хотин-қизлар учун ўзига хос синов майдонига айланганини қайд этиш керак. Мутахассислар 2013 йилнинг тўққиз ойида ана шу лойиҳада қатнашиб, ғолибликни қўлга киритганлар томонидан 360 та янги иш ўрни ташкил этилганга эътибор қаратмоқдалар.

4 ►►

Фуқаролар манфаати — доимий ҳимояда

▼ ОЛИЙ Мажлис Қонунчилик палатасида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги ҳамда «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳалари юзасидан фракциялараро дебат ўтказилди.

Унда депутатлар, сенсий партиялар аъзолари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раисининг ўринбосари А.Шодмонов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамо-

лигида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш жараёнида аҳолини аниқ, манзилли ва кучли ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Бу жараёнда болалар манфаатларини ҳимоялаш, айниқса, ота-она меҳридан бебахра қолган ўғил-қизларнинг тўлақонли таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, жамиятга интеграциялашу-



вини таъминлаш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур йўналишдаги ҳуқуқий кафолатлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, бир қатор қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган.

Бугунги кунда васийлик ва ҳомийлик йўналишидаги ҳуқуқий муносабатлар асосан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексини, Оила кодексини, Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги қарорини билан тасдиқланган «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги қонун ва бошқа алоҳида меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

2 ►►

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 22 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмага нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	▲ 2094,79
1 Англия фунт стерлинги	▼ 3504,40
1 Дания кронаси	▲ 397,60
1 БАА дирҳами	▲ 590,52

1 АКШ доллари	▲ 2168,97
1 Миср фунти	▲ 314,80
1 Исландия кронаси	▲ 18,07
1 Канада доллари	▲ 2107,84

1 Хитой юани	▲ 355,88
1 Малайзия ринггити	▲ 684,97
1 Польша злотийси	▲ 701,43
1 СДР	▲ 3347,31

1 Туркия лираси	▲ 1102,74
1 Швейцария франки	▲ 2402,23
1 ЕВРО	▲ 2939,34
10 Жанубий Корея вони	▲ 20,42

10 Япония иенаси	▲ 221,35
1 Россия рубли	▲ 68,11
1 Украина гривнаси	▲ 271,36

Мазкур қонун

хусусий мулк дахлсизлигини бутунлай янги босқичга кўтарди.

Электорат талаб ва таклифи сўзсиз инобатга олинади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Ўз мухбиримиз

Шу ўринда Бош қонунимиз ва қонунларимизда кўп ўқладли иқтисодий таркибда давлат ва хусусий мулк тенглиги, айни пайтда хусусий мулкнинг устуворлиги аниқ белгилаб қўйилган мамлакат ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тизимини, жамиятнинг бутун маъно ва мазмунини аниқ ва равшан кўрсатиб берганни кайд этиш жоиз. Зеро мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ Ўзбекистонда мулк масаласини ҳал этиш эркин бозор иқтисодиётига ўттиш, давлат ва жамиятимизни демократлаштириш ва модернизациялашга қаратилган тadbирлар тизимининг тамал тоши бўлиб хизмат қилиши лозим деган қондага қатъий амал қилишмоқда.

О'зЛиДеР Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси М.Тешабоев таъкидлаганидек, чиндан ҳам ўтган йиллар давомида эришилган бекис патижаларда ўз мулкига эга бўлган шахслар ва улардан ташкил топган ўрта синф вакиллари мамлакатимизда амалга оширилаётган либерал-демократик ислохотларга, юртимизда ижтимоий барқарорлик ва халқимиз фаровонлигини таъминлашга қатъий ҳисса қўшаётганларини айтиш жоиз.

Ҳа, чиндан ҳам мамлакатимизда ўрта синф вакиллари иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим қушига айланган. Буни 2013 йилнинг 9 ойида 21,2 мишга янги кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъекти ташкил этилганида ҳам кўриш мумкин. Ушбу секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши эса 31,2 фоизга етди.

О'зЛиДеР ва унинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари апа шундай натижалар салмоқини янада ошириш имконини берувчи «Хусусий мулкни химоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунда мулк эгаларининг ҳуқуқ ва манфаатларини самарали химоя қилиш тизимини буғунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда янада такомиллаштирилганини таъкидламоқдалар.

Семинарда О'зЛиДеР томонидан ўтказилган мониторинг натижалари Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган мазкур қонун ҳужжатларидаги тadbиркорлар томонидан ҳам хусусий мулк дахлсизлигини таъминлашга қаратилган ислохотда муҳим ҳужжат бўлганини кўрсатапти. Шу ўринда О'зЛиДеР фракцияси аъзолари, маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳларининг кулай бизнес муҳити яратиш масалалари муҳокамага бағишлаб жойларда ўтказилган тadbирларини мазкур қонун хусусий мулк дахлсизлигини бутунлай янги босқичга кўтарганини кайд этилганини айтиш жоиз.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Нуриддин Муратов эса қонун қуни қирганидан кейин тadbиркорлик субъектлари томонидан хусусий мулк ва мулкдорлар ҳуқуқларига дахлдор масалаларга оид муурожаатлар тахлили қонун нормаларининг амалиётга изчил татбиқ этилаётганини кўрсатганини таъкидлади.

— Умумий юрисдикция судларида хусусий мулкни бўлиш, ундирувчи хусусий мулкка қаратиш, хусусий мулкни рўйхатдан чиқариш, мулкни хусусийлаштириш, мулкни хусусийлаштириш тўғрисидаги қарорларни ҳақикий эмас деб топиш, хусусий мулкка оид битимлар ва бошқа инволлар юзасидан жами 6133 та иш кўриб чиқилгани ҳам қонун асосида кўрилаётган ишлар қўламини кенгайтганидан далолатдир, —



Тadbиркорлар манфаатини ифода этаётган сиёсий партия вакиллари, экспертлар, олимлар ва тadbиркорлар мулоқотлар электорат вакиллари қонунларни такомиллаштириш жараёнида бевосита иштирок этиш имконини берапти.

лейди депутат. — Биргина Адлия вазири тақдимиюмасига асосан судлар томонидан хусусий мулк ҳуқуқини тап олишга оид 14 та, хусусий мулк ҳуқуқни бузилишидан олдинги ҳолатини тиклаш ва мулк ҳуқуқини бузадиган ёки шундай ҳавфни туғдирадиган ҳаракатларнинг ол-

дини олишга оид 18 та, давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари ҳужжатини ҳақикий эмас деб топишга оид 4 та, хусусий мулкка етказилган зарар ўрни қоплашга оид 10 та муурожаат кўриб чиқилиб, уларнинг аксарияти қаноатлантирилган.

— Савол-жавоблар, қизғин баҳс-мунозаралар асосида ташкил этилган бугунги мулоқот мазкур қонуннинг мазмун-моҳиятини тарафлар аниқлаш, унинг мақсад ва вазифаларини чуқурроқ хис этишга ёрдам берди, — дейди О'зЛиДеР фракцияси қошидаги экспертлар гуруҳи аъзоси, тadbиркор Г.Шомуротов. — Айниқса, тadbиркорлар манфаатини ифода этаётган сиёсий партия вакиллари, экспертлар, олимлар ва тadbиркорлар иштирокидаги мулоқотлар электорат вакиллари қонунларни такомиллаштириш жараёнида бевосита иштирок этиш имконини берапти. Энг асосийси — биз, тadbиркорлар ушбу жараёнда бевосита иштирок этиб, ҳуқуқий билимларимиз ва оғимизни оширишимиз. Бугунги тadbирда кўта-бузилаётган масалалар жамиятимизда мулкка ва мулкдорлар таъминоти бўлган мурожаат тўғрисидаги ўзгарганини ҳам кўрсата-

япти. Тафаккуримиздаги ўзгаринлар эса хусусий мулкка бўлган мурожаат, унинг дахлсизлиги, кафолатларини таъминлаётган қонунларни псбатан ишонччи янада муустаҳкамлашти. Буни 2013 йилнинг 1 чоратида ўтган йилнинг шу даврига псбатан давлат мулкларини со-туви 30 фоиздан ошганида ҳам кўриш мумкин.

Ҳа, чиндан ҳам қонун ижодкорлиги билан шуғулланаётган депутатларнинг электорат вакиллари билан бевосита мулоқотлари О'зЛиДеР фракцияси фаолиятида яхши аънамага айланган, бундан ҳар иккала томон ҳам бирдек манфаатдор. Очик мулоқотда ишбилармон юрдошларимиз томонидан айрим қонунлар ва қонуности ҳужжатларига тadbиркорлар фаолиятига қонуний аралашувларнинг олдини олишга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш бўйича ҳам таклифлар билдирилди.

Шунингдек, мулоқот иштирокидаги таклиф билан «Хусусий мулкни химоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун кенг тарғиб этиш учун ҳудудларда ҳам очик мулоқотлар ўтказилиши келишиб олинди.

«Тўртинчи ҳоқимият» кўллаб-қувватланаверади

Ислохот

Тошкентда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат ноотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини кўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси ҳамкорлигида «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан кўллаб-қувватлаш — миллий ахборот маконини изчил ривожлантиришнинг муҳим шarti» мавзусида семинар ташкил этилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Нуриддин Муратов эса қонун қуни қирганидан кейин тadbиркорлик субъектлари томонидан хусусий мулк ва мулкдорлар ҳуқуқларига дахлдор масалаларга оид муурожаатлар тахлили қонун нормаларининг амалиётга изчил татбиқ этилаётганини кўрсатганини таъкидлади.

— Умумий юрисдикция судларида хусусий мулкни бўлиш, ундирувчи хусусий мулкка қаратиш, хусусий мулкни рўйхатдан чиқариш, мулкни хусусийлаштириш, мулкни хусусийлаштириш тўғрисидаги қарорларни ҳақикий эмас деб топиш, хусусий мулкка оид битимлар ва бошқа инволлар юзасидан жами 6133 та иш кўриб чиқилгани ҳам қонун асосида кўрилаётган ишлар қўламини кенгайтганидан далолатдир, —



2000-2013 йилларда икки баробардан зиёд кўпайгани алоҳида эътиборга молик экани таъкидланди.

Тadbирда, шунингдек, давлат ҳоқимияти ва бошқарув органи фаолияти ҳақида аҳолини кенг хабардор қилиш, давлат органи ва фуқаролик жамияти институтларининг оммавий ахборот воситаларини кўллаб-қувватлашдаги иштирокини таъминлаш, медиа-соҳа вакиллари

ижтимоий фаолигини қучайтиришда фуқаролик жамияти институтларининг ролини ошириш масалаларига ҳам мурожаат билдирилди.

Савол-жавоблар, қизғин муҳокамалар асосида ўтган семинарда ҳудудий босма оммавий ахборот воситаларининг 24 та тахририятга энг замонавий техника воситаларини олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

«Uzbekistan Agrominitech Expo»

савдо-кўргазмасининг аҳамияти тобора ортиб бораётгани таъкидланмоқда.

Маҳаллий кенгашларда

Долзарб масалалар депутатлар назоратида

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ижросини таъминлашда депутатлик гуруҳлари ҳам фаол иштирок этиб, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва бу жараёнда электорат манфаатини химоя қилишга алоҳида эътибор қаратмоқдалар

Бу борада, айниқса, пойтахтлик депутатлар нисбатан фаол иш олиб бораётганини таъкидлаш жоиз. Масалан, халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг яқинда бўлиб ўтган сессиясида «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги қонун ҳамда Президентимизнинг «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этишни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида»ги қарорининг Тошкент шаҳридаги ижроси муҳокама қилинди. Ушбу масала партия шаҳар кенгашидаги депутатлик гуруҳи йиғилишида бир неча бор кўриб чиқилган, хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича Тошкент шаҳар ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаси мутасаддиларининг ахбороти аниқланган эди.

Тошкент шаҳар ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаси бошлиғи У.Самадовнинг фикрича, Худудий инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларнинг тўлиқ амалга оширилиши натижасида 2000 дан ортиқ иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Жорий йилнинг ўтган даврида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технология янгилаш бўйича 42 млн. АҚШ доллари ҳажмидаги 28 та лойиҳа амалга оширилиб, қурилиш материаллари, полимер ва полиэтилен буюмлар, енгил саноат, мебель ва фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш, мева-сабзавотни сақлашга мўлжалланган қўшимча қувватлар фойдаланишига топширилди.

Шу ўринда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектларини илвот технологиялар ва ихчам ускуналар билан таъминлаш мақсадида ҳар йили ўтказилаётган «Uzbekistan Agrominitech Expo» савдо-кўргазмасининг аҳамияти тобора ортиб бораётганини таъкидлаш лозим. Айни кунда пойтахтимизда хорижий сармоя иштирокидаги 3378 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Бу эса пойтахт иқтисодиётини янада юксалтириш борасидаги ишлар салмоқли патижа бераётганидан далолатдир. Аммо ўтказилган мониторинг натижалари айрим корхоналарда дебитор қардорлик, бошқона ва солиқ, маблағ ҳамда хом ашё таъминоти соҳасида муаммолар сақланиб қолаётганини ҳам кўрсатди. Жумладан, хорижий кредит линиялари очин,



Мақсад ИСАБАЕВ, О'зЛиДеР Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг Депутатлик гуруҳлари билан ишлаш сектори ходими

фоиз ставкалари ва бошқа масалаларга оид маълумотлар жойларга ўз вақтида етказилмапти. Қолаверса айрим маҳаллий ҳоқимият вакилларида хорижий инвесторлар билан иш олиб боришда зарур билим ва малака етишмаётгани сезилиб қолмоқда.

Сессияда кайд этилганидек, бугунги кунда хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технология янгилаш, хорижий инвесторларни хар жиҳатдан рағбатлантириш муҳим аҳамиятга эгадир. Демак, 2013 йилги ҳудудий инвестиция дастурида белгиланган режа-топишириларни тўлиқ бажариш чораларини кўриш, айни соҳадан бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар фаолиятига қонуний аралашувларга қатъий чек қўйиш, дастур ижросини изчил назорат қилиб бориш диққат марказида бўлмоғи лозим.

Бир сўз билан айтганда, О'зЛиДеР томонидан электорат манфаатлари билан боғлиқ ҳаётий масалаларнинг кун тартибига қўйилиши ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинишига эришилмоқда. Бу эса мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, яқин истиқболга мўлжалланган дастурий вазифаларни рўёбга чиқариш, турмуш маданияти ва фаровонлигини юксалтиришда партиямизнинг иштироки тобора кенгайиб бораётганидан далолат беради.

ХАБАРЛАР

ЭКОЖУРНАЛИСТИКА УЧУН «МАСАЛЛИК»

Бухорода «Экологик журналистика асослари» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг мамлакатимиздаги лойиҳалари координатори, Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда «Экомактаб» экологик-ресурс маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тadbирда ОАВнинг табиати муҳофаза қилишдаги ўрни масалалари атрофида муҳокама этилди. Бухоро вилоятида чоп этилаётган нашрлар ва маҳаллий телеканалларнинг ижодий ходимлари, ёш журналистлар, эколог-мутахассислар иштирок этган семинарда экологик сийёсатнинг асосий тамойиллари, соҳага оид қонунлар ижроси, халқаро экологик ҳуқуқ конвенциялари ва меъёрий ҳужжатларни қўллашнинг аънавий усуллари янада самарали фойдаланиш ҳусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Интерфол усулда ўтказилган машғулотлар доирасида «Экожурналист маълумотномаси» китобининг тақдими ҳам ўтказилди.

Асқор ИСТАМОВ.

«КОБАЛЬТ» — ОЛДИНДА



«General Motors Uzbekistan» қўшма корхонаси томонидан 2013 йилнинг 9 ойида 192 182 дона, яъни ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 9,7 фоиз кўп автомобиль ишлаб чиқарилди. Маълумотларга кўра, жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида «Нексия» (46 562 дона), «Матиз» (27 031), «Спарк» (22 046), «Каптив» (2 009) автомобиллари тегишли равишда 1,31 ва 1,34 марта ҳамда 5,4 ва 25,1 фоизга камайган бўлса-да, «Ласетти», «Дамас» ҳамда «Малибу» русумли автомобилларини ишлаб чиқариш 22,3 ва 1,4 фоиз ҳамда 2,7 мартага кўпайган. Бундан ташқари ҳисобот даврида 2012 йилнинг октябридан ишлаб чиқарилаётган «Кобальт» сони 48 мишдан ошган. Ш.Хўжаев тайёрлади.

88 млрд. сўм маблағ эвазига 2502 та лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш режалаштирилган.

ФАРМОН ВА ИЖРО

Фермерлик — етакчилик дегани

Самарқанд вилоятида кўп тармоқли фермер хўжаликлари сони 2165 тага етди

Муҳаббат РАВШАНОВА, «XXI asr»

Маълумки, Президентимизнинг «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини таъкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида фермерларни хар томонлама қўллаб-қувватлаш, қишлоқ мулкдорларининг иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлаш, кўп тармоқли хўжаликларни ривожлантириш ҳамда уларнинг ҳуқуқий манфаатларини химоя қилиш механизмларини такомиллаштириш орқали қишлоқ аҳолиси бандлиги ва даромадини ошириш Фермерлар кенгашининг энг асосий вазифалари сифатида белгилаб берилган.

Фармон талаблари асосида вилоятда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар юзасидан дастур ишлаб чиққанмиз, — дейди Самарқанд вилоят Фермерлар кенгаши раиси Аваз Хосилов. — Унга қўра, 88 млрд. сўм маблағ эвазига 2502 та лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш режалаштирилган эди. Шу кунгача ана шу режа ошириб бажарилди. Яъни 2571 та лойиҳага 97 млрд. 558 млн. сўм маблағ сарфланиб, 2165 та фермер хўжалиги кўп тармоқли фермер хўжалигига айлантирилди. Натижада 8056 та янги иш

ўрни таъкил этилди. Биргина қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича 21 та лойиҳа амалга оширилди. Уларнинг 3 таси гўшт, 9 таси сут, қолганлари эса мевасабзавотларни қайта ишлашга ихтисослашган корхоналардир. Ана шу лойиҳалар туфайли 264 та янги иш жойи очилди.

Қишлоқда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 795 та фермер хўжалигида 1208 та сервис хизмати ташкил этилиб, уч миңдан ортиқ фуқаро доимий иш билан таъминланди. Автомобилларга хизмат кўрсатиш, этикдўзлик, сартарошхона, транспорт хизмати, тикувчилик цехлари, спорт комплекслари шулар жумласидандир.

Шу ўринда вилоят озиқ-овқат хавфсизлиги дастури ишлаб чиқилганини ҳам таъкидлаш мумкин. Унга қўра, чигит экилган майдонлар атрофидаги 2745 гектар ерга сабзавот, полиз ва бошқа экинлар экилиб, 43 700 тонна ҳосил олиш белги-ланган. Бундан ташқари 249 та фермер хўжалигида 531 гектар интенсиив боғ, 388 гектар маҳаллий боғ ва 244 гектар тоқор барпо этилди. 43 та фермер хўжалигида 414150 бош парранда етиштирила бошланди. Умуман олганда, вилоятда аграр соҳа изчил ривожланиб, иқтисодиётимиз барқарорлигининг таянчига айланаяпти.

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Наргиза КАҲҲОРОВА, «XXI asr»

— Партиявий лойиҳалар фаолиятини аниқ натижалар билан боғловчи муҳим омиллардан бирига айланди, — дейди О'зЛиДеР Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари М.Акрамова. — Ана шундай тадбирлар орқали тадбиркорлик қўнқималарини шакллантириш, либерал-демократик роялар мазмунини кенгрок тарғиб этишга ҳаракат қилишимиз. Айниқса, «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгилаб берилган устувор йўналишлар, давлат ва ҳудудий дастурлар ижросига ёшлар, аёллар ва алектрат вакиллари жалб этилмоқда. Бугун нафақат маҳаллий экспертлар,



«Аёллар қаноти» имкониятлардан унумли фойдаланяпти

балки халқаро тахлилчилар ҳам Ўзбекистонда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ишларнинг сифатига жихатдан янги босқичга қўтарилаётган, тадбиркорлар учун эса қудай имкониятлар вужудга келганини эътироф этмоқдалар.

Маълумки, Концепцияда кичик бизнес, оилавий тадбиркорликни янада ривожлантиришда фуқаролик жамияти институтлари, аҳолининг кенг қатламлари, биринчи навбатда, аёллар ва ёшлар иштирокини таъминлаш устувор вазифа сифатида белгилаб берилган. Ана шу ишлар ижросига йўналтирилган партиявий лойиҳалар ҳудудларда ҳам яхши натижа бераётганини қайд этиш лозим.

Дарҳақиқат, О'зЛиДеР сийёсий партиялар учун яратиб берилган имкониятлардан фойдаланган ҳолда, ҳаётимизга изчил таъкил этилаётган ва аниқ мақсадларга йўналтирилган ташаббус ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш билан бирга, ижтимоий-сийёсий ислохотлар натижасига ҳам муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қилаётир.

— Бу муҳим ишга тадбиркор аёлларнинг жалб этилаётганини яхши самара бераёттир, — дейди

Аёлларнинг сийёсий фаолиги, жамиятдаги ўрни ва макенини ошириш бўлими мудири Севера Муслимова. — Айнан улар қўмағи ва бевосита иштирокида учта йирик лойиҳа — «Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари», «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оиллага», «Соёвлом оила — мустаҳкам оила» лойиҳаларининг иккинчи таъсир йилдан-йилга орғиб бораёттир.

— Партиявий лойиҳалар доирасида ўтказилаётган ўқувлар давомида энг чекка ҳудудларда ҳам опа-сингилларимиз кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликка оид билимларини оширомоқдалар, — дейди О'зЛиДеР Жиззах вилоят кенгаши Феруза опа биз билан суҳбатда.

— Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оиллага» лойиҳаси асосида Феруза туманида ўтказилган тадбирлар нисоясида «Wave of Ocean» кичик корхонаси иш бошладди. Унга «Агробанк» томонидан

38 млн. сўм кредит ажратилди. Фалларол туманининг Жума қишлоғида яқка тарғибдаги тадбиркор сифатида ўз фаолиятини бошлаган Зилола Шуқуровага «Микрокредитбанк»дан 2 млн. 300 миң сўм кредит олишга ёрдам кўрсатилди. Бундай мисолларни бошқа ҳудудлар кесимида ҳам келтириш мумкин.

Мазкур лойиҳанинг яна бир иштирокчиси — гузориқ Феруза Бердисева ҳам «Аёллар қаноти» бўлими томонидан лойиҳа асосида 39 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, 6 та иш ўрни яратди.

— Тадбиркор сифатида иш бошлаш учун ҳам маънавий, ҳам моддий имкониятга эга бўлдим, — дейди Феруза опа биз билан суҳбатда. — «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оиллага» лойиҳаси анчадан буён ўйлаб юрган гузориқимни амалга ошириш учун имконият яратди.

Айни пайтда О'зЛиДеР Наманган вилоят кенгашининг «Аёллар қаноти» бўлими томонидан лойиҳа доирасидаги «Оилавий тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тарғибга солиш масалалари» мавзусидаги давра суҳбати барча маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларида ташкил этилмоқда. Бу-

гунгача Наманган шаҳри, Тўрақўрғон, Учқўрғон, Уйчи, Мингбулок туманларида ўтказилган тадбирларда ўзларнинг тадбиркорлик йўналишидаги билим ва қўнқималарга эга бўлган хотин-қизлар лойиҳанинг 2014 йилги босқичларида ҳам қатнашиш истагини билдиришди. Бу жараён Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятларида ҳам қизғин давом этмоқда.

Халқимизда тома-тома қўл бўлур, деган нақл бор. Аввал вилоят, кейин туман ва қишлоқларда кенг тарғиб этилаётган партиявий лойиҳалар ўтган тўққиз ойда 4 миллиард сўмликка яқин кредитлар олишга йўл очгани чиндан ҳам мамлакатимизда аёллар тадбиркорлиги учун кенг имкониятлар яратилганидан далolat бермоқда.

Хулоса ўринда шунини айтиш мумкинки, О'зЛиДеР «Аёллар қаноти» ташаббуси билан ўтказилаётган лойиҳалар мамлакатимиз хотин-қизларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига йўналтириш баробарида уларнинг ижтимоий-сийёсий фаолигини оширишга хизмат қилаяпти. Юртимизда олиб борилаётган ислохотлар самараси тадбиркор аёлларнинг иштирокида режаларига қанот баришмоқда.

ХАБАРЛАР

ҚАШҚАДАРЁДА БУҒДОЙ МАЙСАСИ УНДИ

Қашқадарё вилоятида очик майдонлар ва гўза қатор ораларига кузги буғдой экишга киришилди. Соҳа мутахассисларининг маълум қилишича, 145 миң гектар майдонга энг сара галла навларини экиш режалаштирилган. Шундан 37500 гектарини очик майдонлар, 107500 гектарини эса гўза қатор оралари ташкил этади.



Галлачилик билан шуғулланаётган фермерларни деҳқончиликнинг замонавий технологияларидан хабардор қилиш мақсадида турли ўқувлар ташкил этилаёттир. Таърибли олимлар, малакали мутахассислар иштирок этаётган машғулотларда илгор фермерлар таърибаси, галлачиликда эришилган ютуқлар атрофида тахлил этиляпти.

— Уруғчилик, нав танлаш ҳамда кўпайтириш масалаларига жиддий эътибор қаратилаётгани туфайли вилоятимизда йил сайин ҳосил қўғи орғиб бораёттир, — дейди вилоят ҳокими ўринбосари Ақром Арипов. — Бободехқонларимиз белгиланган чора-тадбирлар асосида галла экиш ишларини сифатли амалга ошириш учун бор имкониятларини ишга солияпти. Бу жараёнга 70 дан ортиқ сеялка, 700 га яқин мослама ва беш юзга яқин транспорт воситаси жалб этилган. Очик майдонларга кузги дон экиш ишлари деярли якунланди. Уларни сўғориш ҳам тизимли равишда олиб бориляпти. Натижада дастлаб экилган ерларда галла майсалари бир текис униб чиқди. Сайфулла ИКРОМОВ.

НАМАНГАН ГИДРАНТЛАРИГА ТАЛАБ КАТТА



Наманган туманида фаолият кўрсатаётган «Ностандарт» ишлаб чиқариш корхонаси импорт ўрнини босувчи маҳсулотлари билан мамлакат истеъмол бозорига дадил кириб бораётган тадбиркорлик субъектларидан биридир. Авваллари мазкур корхонада оқва сув тозалаш иншоотларини таъмирлаш учун зарур бўлган ностандарт жиҳозлар тайёрланган бўлса, кейинги йилларда корхона муҳандисларининг изланишлари натижасида темир йўл вагонлари учун чўялиги тормоз колодоклари, тренажёр аргимочлар ҳамда ўт ўчиришда фойдаланиладиган ер ости сув гидрантлари ҳам ишлаб чиқарилмоқда.

— Яқин-яқингача гидрантлар факат Россиядан келтирилди, — дейди корхона раҳбари Абдумажид Насриддинов. — Ўтган йили ПГ-500, ПГ-750 ва ПГ-1000 русумли сув ҳайдаш воситаларининг маҳаллий шариҳта тайёрланган нусхалари учун стандартлаштириш ва ёнги хавфсизлиги хизмати идораларининг сертификатлари олинганидан сўнг ишимиз юришиб кетди. Хусусан, мазкур лойиҳа амалга оширилгач, қўлаб янги иш ўринлари яратилди ва ўтган 2012 йилнинг ўзига ўт ўчирувчиларга 800 миллион сўмлик 1000 дона гидрант етказиб берилди. Айни кунларда «Ностандарт» ИЧ «Ўрганчтрансгаз», «Талимаржон ИЭС», Навоий ИК-металлургия комбинати каби бир қатор йирик истеъмолчиларга янги турдаги маҳсулотларни етказиб бермоқда.

Шухрат ХҲЖАЕВ.

Ҳаммаси режадан бошланади

Лойиҳаларда фаол иштирок этган олтимаш саккиз нафар навоийлик йигит-қиз ўз бизнесини йўлга қўйди

Мансур АСЛОНОВ, «XXI asr»

Партиявий лойиҳалар ҳақиқатан ҳам жойларда, айниқса, чекка ҳудудларда амалий натижа бераётганини таъкидлаш жоиз. Бир қарашда навоийлик 68 нафар йигит-қизнинг бизнесдаги илк оқимлари мамлакатимиз миқёсида рўй бераётган улкан ўзгаришлар олдида денгизнинг бир томчиси, холос. Аммо ана шу жараёнда олиб борилаётган тарғибот-таъкилот ишлари, ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ўтказилаётган кўрик-танлов ҳамда семинар-тренинглар янги авлод вакиллариининг онгу тафаккури, тасаввурларини ўзгарираётгани, О'зЛиДеР фаоллари таъбири билан айтганда, энг катта ютуқдир.

Масалан, «Обод турмуш йили»да «Ёшлар қаноти» томонидан таъсис этилган «Диплом билан — бизнесга» лойиҳасининг вилоятдаги самарасини тахлил этиб кўрайлик. Унда вилоятдаги 4 та академик лицей, 47 та касб-ҳунар коллежи камраб олинди. Лойиҳа доирасидаги тадбирларда бизнес-режа тузиш, банкдан имтиёзли кредит олиш, шунингдек, бу борада яратилган қудайликлар хусусида атрофида маълумотлар берилди. Натижада кейинги икки йилда айнан ана шу лойиҳаларда иштирок этган 68 нафар йигит-қиз тижорат банклариининг 97 миллион сўм кредитини олиб, ўз бизнесини йўлга қўйди. Энг муҳими, ана шу ёшлар томонидан 83 та иш ўрни яратилди. — Ўтган йили туманида «Диплом бил-



лан — бизнесга» лойиҳасида иштирок этган 5 нафар битирувчининг 3 таси хусусий бизнесини йўлга қўйган бўлса, жорий йилда 7 нафар битирувчининг 4 нафари тадбиркорлик фаолиятини бошлаб юборди, — дейди О'зЛиДеР Кармана туман кенгаши раиси ўринбосари Зиёдулла Рўзиев. — Қувонarli томони, партиявий лойиҳа асосида чорвачилик, паррандачилик ва қанполатчилик фаолиятини йўлга қўйган тадбиркор ёшлар нижоат билан ишга киришди.

— Танловда қўлга киритган сертификат бўйича 1,8 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, тикув машинаси ха-


рид қилдим, — дейди Кармана озиқ-овқат саноати ва мехмонхона хўжалиги коллежини 2012 йилда тамомлаган Моҳира Юсупова. — Жорий йилда эса жияним Оризгул Юсупова ҳам танловда волиб чиқиб, тадбиркор бўлди. О'зЛиДеР ўз лойиҳаларини билан қўллаб-қувватлаётганидан мамнунман.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда танлов волиблигини қўлга киритиб, тадбиркор сифатида иш бошлаган акасирият ёшлар Учқудук, Павлоҳор, Кармана ҳамда Нурота сингари туманларда чорвачилик, тикувчилик, қандолатчилик, зардўзлик, аҳолига маиший


хизмат кўрсатиш йўналишларида ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга муносиб ҳисса қўнаётганлиги эътиборга молиқ.

— Партия дастури ва Сайловдди платформасида ёшларда тадбиркорликка оид билим ва қўнқималарини шакллантириш бўйича белгилабган вазифалар асосида истиқболли лойиҳаларни кенг тарғиб қилиш юзасидан Сийёсий таълим маркази, «Аёллар қаноти», депутатлик гуруҳлари билан ишлаш бўлимидаги ҳамкорликда тизимли ишлар олиб бориляпти, — дейди О'зЛиДеР вилоят кенгаши «Ёшлар қаноти» раҳбари Шавкат Раҳматов. — Лекин амалга ошираётган ишларини хали талаб даражасида эмас. Шу бонс ҳамкорларимиз билан йил охиригача «Тадбиркор оила», «Диплом билан — бизнесга», «Ишбилармон талаба» ҳамда бошқа кўрик-тапловларда волиб бўлган юртдошларимиз ишлаб чиқараётган маҳсулотлар кўрсаткичи маркази, вилоят миқёсида ўз бизнесини йўлга қўйган, имкониятга чеklangан тенгдошларимиз иштирокида «Биргаликда биз кучмиз!» шiori остида марфатон ташкил этмоқчимиз. Бундан ташқари, тадбиркорлик соҳасида юқори натижаларга эришган ёшлар ишини кенг тарғиб қилиш мақсадида «Ёш тадбиркор — элга мадақдор» номли тўплам тайёрлашни режалаштирдик.

Ҳа, чиндан ҳам О'зЛиДеР Навоий вилоят кенгашидаги «Ёшлар қаноти»да ўзига хос янгиликларга қўл урилатганини кузатиш мумкин. Партия лойиҳалари эса ёш тадбиркорларини кашф этишга ва уларнинг сафи янада кенгайишига хизмат қилаяпти. Бундан факат қувониб қерақ.



Спортчилар O'zLiDePни танладилар.



БПТ аъзоларининг Давлат дастури ижросига қўшаётган улуши диққатга сазовордир.



O'zLiDeP аъзоси ташаббуси билан электрон кутубхона иш бошлади.

КУЧЛИ ҚҲҲИ БЎҒИНДАН — КУЧЛИ ПАРТИЯГА

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

43 (519)-СОН, 2013 ЙИЛ 24 ОКТЯБРЬ, ПАЙШАНБА



Спикер ЗОИПР Илхам Сулейманов

Қуйи бўғинлар — асосий таянчимиз

— дейди O'zLiDeP Тошкент вилояти кенгашининг бошланғич ташкилотлар билан ишлаш гуруҳи раҳбари Диёра БОЛТАЕВА

Бугун барча соҳа ва тизимларда босқичма-босқич амалга ошириляётган ислохотлар муваффақияти одамларнинг ғоявий-сиёсий фаоллиги билан чамбарчас боғлиқдир.

Зиёдулла МҲМИНОВ,
«XXI asr»

O'zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши мутасаддилари ҳам ана шу талабдан келиб чиқиб, жойларда Давлат дастурлари, Президент фармон ва қарорлари, электрот вакиллари манфаатини химоя қилишга қаратилган қонунларни кенг тарғиб этишга ҳаракат қилаётганлар. 11 700 нафар партия аъзоси бўлган вилоятда O'zLiDePнинг ғоявий таъсир доирасини кенгайтиришда қуйи бўғинлар ҳал қилувчи ўрин тутадилар, албатта. Айни пайтда улар сонини 600 тадан ошди. Тахлиллар шунини кўрсатдики, партия аъзоларининг асосий қисмини тadbиркор ва фермерлар, ишлаб чиқариш соҳаси вакиллари ҳамда маъмурий бошқарув органлари ходимлари ташкил этади.

Кейинги йилларда сиёсий майдонга изланувчан ва ташаббускор ёшларнинг тобора кўпроқ кириб келяётганини ижобий баҳолаш мумкин. Партия аъзоларининг қарийб 6 минг нафарини 30 ёшгача бўлганлар ташкил этаётгани ҳам вилоятда фаол ёшлар салмони орғиб бораётганидан далолатдир. Шу ўринда йил бошидан буён 140 нафардан ортиқ йилгит-қиз O'zLiDeP сафига қўшилганини таъкидлаш жоиз. Қувонтирадиган яна бир жиҳати, жорий йилда Зулфияxonим мукофотининг 3 нафар соҳибиди, жаҳон ареналарида юртимиз шарафини муносиб химоя қилган кўплаб спортчилар O'zLiDePни танладилар. Ана шундай ёшлардан бири оҳангорлик Абдуқодир Абдуллаевдир. У спортнинг таэквон-до тури бўйича мамлакатимиз ва халқаро миқёсдаги турли нуфузли турнирларда ғолиб чиққан. Украинада ташкил этилган «Қора денгиз олтин кубоги» турнирида 1 та кумуш ва 2 та бронза медали билан тақдир-

ланган.

Бундай нисолларини кўплаб келтириш мумкин. Оҳангорон, Янгийўл, Бекобод, Қибрай, Чиноз туманлари ва Олмалик шаҳар партия кенгашларида ҳам қуйи бўғинлар билан ишлаш яқини йўлга қўйилган, десак хато бўлмайди. Энг муҳими, уларга юқори партия ташкилотлари томонидан доимо ёрдам кўрсатилиб, БПТ етакчилари ва аъзоларининг сиёсий билимлари оширилмоқда. Қолаверса партиянинг асосий электорати саналган тadbиркор ва фермерлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари тобора кучайтириляётган. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъзолари, маҳаллий кенгашлар депутатлари, бошланғич партия ташкилотлари билан ҳамкорликда ўтказиляётган турли тadbирлар, давра суҳбатлари ҳам бу жараёнга ижобий таъсир ўтказаяпти. Энг асосийси, ечимини қутаётган баъзи ҳаётини муаммолар туман ва шаҳар кенгашлари сессиялари муҳокама-сига киритилиб, уларнинг ўз вақтида ҳал этилишига эришиляётган.

Депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорликда қулай бизнес муҳити яратилиб, тadbиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш

бўйича қабул қилинган қонунлар, меъёрий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини кенг тушунтириш, шунингдек, мулк эгаларининг ҳуқуқий билим ва малакасини оширишга алоҳида масъулият билан ёндашилмоқда, — дейди Д.Болтаева. — Жумладан, «Тadbиркорлик фаолиятини эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг Паркент, Пинкент туманлари ҳамда Ангрэн шаҳридаги ижросини ўрганишда БПТларнинг хизмати катта бўлди. Шунингдек, депутатлик гуруҳлари билан биргаликда ёшлар, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таяминлаш, ҳудудларда янги иш ўринлари яратилиш масаласи ҳам кун тартибидан тушгани йўқ. Масалан, Бўқа туманидаги «Чевар» хусусий корхонасида ташкил этилган бошланғич ташкилот саъй-ҳаракати билан ҳар ойда 2-3 нафар ёш қиз тикувчилик касбинини ўрганимиз. Юқори Чирчиқ туманидаги «Асадебек-Мафтуна-Малик» фермер хўжалигини ташкилотнинг 7 нафар аъзоси ташаббуси билан яқинда касб-хунар коллежларини тугатган 7 нафар йилгит-қиз учун муқим иш ўрни яратилди. Бекобод шаҳар электр тармоқлари корхонасида ташкил этилган янги бошланғич ташкилот ҳозирча ўз атрофида 7 нафар ишчи-хизматчинини бирлаштирган бўлиб, улар ҳам партиянинг ғоя ва мақсадларини рўёбга чиқариш йўлида куч-ғайрат-

ларини аямаётганлар. Суҳбатдошимизнинг фикрича, Янгийўл туманидаги «Тadbиркор аёл» уюшмаси қошида ташкил этилган қуйи бўғин фаолиятини кўпчилигига ўрнак бўларлидир. O'zLiDeP ташкил этилган кезларда иш бошлаган маърузачилар БПТ бугунги кунда 20 га яқин аъзони бирлаштирган бўлиб, улар асосан тadbиркор хотин-қизлардан иборат. Маҳаллий ёшларини муқим иш билан таяминлаш, аҳоли ўртасида бандлик даражасини оширишга муносиб ҳисса қўйиш БПТнинг дастурий мақсадларидан биридир. — Агар 2012 йилда фаолларнинг саъй-ҳаракати билан туман марказида 20 дан ортиқ киши иш билан таяминланган бўлса, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида бу кўрсаткич 30 нафарга етди, — дейди БПТ етакчиси Мамлакат Ибрагимова. — Янгийўл шаҳридаги касб-хунар коллежларини ҳар йили 5 мингга яқин йилгит-қиз тугатади. Уларнинг кўпчилиги партия томонидан ишлаб чиқилган «Диплом билан бизнесга» лойиҳасида фаол иштирок этиб, ўз бизнесини йўлга қўйиш учун имтиёзли кредит олиш имкониятига эга бўлмоқдалар.

Бошланғич ташкилотлар партиянинг таянч нуқтаси экан, дедим, улар орқали жойларда сиёсий, маънавий-маърифий ишларини янада кучайтириш, ислохотлар муҳиятини одамларга етказиш диққат марказида бўлмоғи лозим. Афсуски, айрим туманларда олиб бориляётган ғоявий-сиёсий тadbирлар талабга жавоб бермайди. Баъзи қуйи бўғинлар фаолиятида сусткашликка йўл қўйилмоқда. Айниқса, Оққўрғон, Занғота туманлари ҳамда Бекобод шаҳрида бу каби ҳолатлар кўпроқ кўзга ташланапти. Бинобарин, туман партия кенгашлари, «Аёллар қаноти», «Ёшлар қаноти», қолаверса депутатлик гуруҳлари билан биргаликда бошланғич ташкилотларнинг сиёсий масъулиятини янада оширилиши лозим. Мақсад битта — у ҳам бўлса, ҳал қилувчи бўғин саналадиган қуйи ташкилотлар фаолиятини намунали йўлга қўйиш, пировард натижада партияимизнинг жамиятдаги нуфузи, аҳоли ўртасидаги обрў-эътиборини янада оширишдан иборат.

Хайрибоддаги хайрли ишлар

Қўшқўпир туманидаги Хайрибод қишлоғида O'zLiDeP аъзоси Нуриддин Нуруллаев раҳбарлигидаги «Нурулла» фермер хўжалиги барча кўрсаткичлар бўйича кўпчилигига ўрнак бўлмоқда. Айниқса, у етакчилик қилаётган бошланғич ташкилотнинг «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросига қўшаётган улуши диққатга сазовордир. Фермер хўжалигида катта миқдордаги мева ва сабзавотларни сақлашга мўлжалланган совутич омбор, аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатишга мўлжалланган сервис мажмуаси, тантана ва маросимлар уйи фаолият кўрсатаётгани бунга мисол бўлиши мумкин. Яқинда тadbиркор яна бир сервис тузилмаси — автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчасини очди. Касб-хунар коллежи битирувчиларидан 4 нафарини муқим иш билан таяминлаган янги шохобча хайрибодликларга хизмат қила бошлади.

Электрон кутубхона — ташаббус самараси



O'zLiDeP аъзоси Замира Отажонованинг ташаббуси билан Богот туман ахборот-ресурс марказида электрон кутубхона иш бошлади. Энди китобхоналар ушбу электрон кутубхона орқали жаҳондаги янги бадий ва илмий адабиётлар билан танишиш имкониятига эга бўлдилар. Мисол учун, миҳозлардан бири бундан

атиғи бир неча кун аввал Нобель мукофоти соҳибасига айланган канадалик адиба Эллис Мунро асарларини ўқиш истагини билдирган эди. Замира санокли дақиқаларда машҳур ёзувчининг қизиқарли ҳикояларини китобхонага тақдим этди.

Янгибой ҚҲҚОРОВ.

Рисола ўқиб-ўрганилмоқда

Анджон шаҳридаги Алишер Навоий номли истироҳат ва маданият боғида фаолият юритаётган БПТда Президентимизнинг «Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак» рисоласи мутолаасига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Бошланғич ташкилот раиси Равшанбек Бахромовнинг таъкидлашича, маърузачилар — қуйи бўғин аъзолари, партия туман кенгаши вакиллари партиявий бурч ва масъулият ҳамда фаровон ҳаётнинг қадрига етиш, Ватанимиздаги тинчлик ва осойишталикни кўз қорачиғида асраш муштарак тушунчалар эканига алоҳида ургу бердилар.

Аҳроржон МУСУРМОНОВ.

Оилавий бизнесга эътибор

— Айни пайтда Бухоро шаҳрида минг нафардан зиёд аёл тadbиркорлик билан шуғулланмоқда, — дейди O'zLiDeP шаҳар кенгашининг БПТлар бўйича бош консультанти Зарифа Сафарова. — Уларнинг аксарияти миллий хунамдчиликнинг тикувчилик, каштачилик, патдўзлик, кулолчилик ва бошқа турларига ихтисослашган. Яқинда Бухоро шаҳар кенгаши ва «Олтин мерос» халқаро жамғармасида иш олиб бораётган БПТ ташаббуси билан «Миллий кадриятлар заминидида оилавий бизнес» мавзусидаги давра суҳбати ташкил этилди. «Тadbиркор аёл» уюшмаси вилоят бўлими ходимлари, электрот вакиллари қатнашган мулоқотда «Оилавий тadbиркорлик тўғрисида»ги қонун асосида яратиб берилган қулай имкониятлар хусусида атрофлича фикр юритилди. Жумладан, вилоят кенгаши Сиёсий таълим маркази раҳбари Юлдуз Каримова бошланғич ташкилотлар ана шундай афзалликларни аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш билан бирга ўз бизнесини йўлга қўйиш истагидаги хотин-қизларга амалий ёрдам бериш зарурлигини таъкидлади.

Беҳзод ИСРОИЛОВ.



XXI ASR
ижтимоий-сиёсий газетасига
ОБУНА бўлинг!

Мурожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80

СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ!

Аъзолик бадали қанча?

Пойтахтимизнинг Сирғали туманида истиқомат қилувчи яқка тартибдаги тadbиркор Даврон Аҳмадхонев тахририятимизга телефон орқали мурожаат этиб, O'zLiDePга аъзо фуқаролар тўлайдиган аъзолик бадали тўғрисида маълумот беришимизни сўради. O'zLiDeP Ташкилий-партиявий ишлар бўлими масъул ходими Бахтиёр Аҳмедов мазкур саволга жавоб қайтарди:

— Партия Уставига мувофиқ, аъзолик бадали муқдори ва уни тўлаш тартиби партия Сиёсий Кенгаши қарори билан белгиланади. Унинг 2010 йил 3 апрелдаги II мажлиси қарорига кўра, O'zLiDeP тизимида партия

аъзолари учун аъзолик бадали муқдори партия аъзоси ойлик иш ҳақининг бир фоизи миқдорида белгиланади. Партия аъзоси бўлган пенсионер ва талабалар эса аъзолик бадали тўлашдан озод қилинган.

Банк ёрдамисиз
 бугунги талаблар даражасида хизмат кўрсата олмас эдик.



Сармоялар — аҳоли саломатлигига

Маълумки, истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда аҳоли, айниқса, аёллар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро халқ саломатлиги, соғлом она ва соғлом бола жамият тараққиётини белгилайдиган муҳим омиллардандир



Жамшид НУРИЛЛАЕВ,
 «BIO NUR MED SERVIS»
 МЧЖ раҳбари

Кейинги йилларда соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш чора-тадбирлари изчил йўлга қўйилгани натижасида аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг ўзига хос тизими шакллантирилди. «Обод турмуш йили» Давлат дастурида ҳам тизимни янада такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, касалликлар профилактикасини кенгайтириш ҳамда даволашнинг илм-технологиялари ва методларини жорий этиш масалаларида долларбазисли вазишлар белгиб берилган.

Бизнинг муассасамиз ҳам аҳоли саломатлигини яхшилашга мўносиб хисса қўлиб келмоқда. Ана шу хайрли ишларда асосий молиявий маддасини бўлган «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банкининг хизмати катта бўлган.

Тиббий хизмат кўламини кенгайтириш ва сифатини янада яхшиланган мақсадда хоризда ишлаб чиқарилган замонавий ускуналарни сотиб олишни режалантириб, «Асака» банкнинг Самарқанд вилоят филиалига мурожаат этдик. Банк жамоаси талабимизни кеска фурсатда қўриб чиқиб, ижобий ҳал этди. Ажратилган маблағларга ноб тиббий ускуналар ҳамда магнит-резонанс томографи келтирилди. Бу эса муолажаларнинг тез ва сифатли амалга оширишга имкон беради. Мазкур лойиҳа амалга оширилиши натижасида муассасамизда 50 нафар ходим иш билан таъминланди.

Айни пайтда клиникамизда шифо топганлар тиббиёт ходимларига ўз миннатдорликларини билдиришмоқда. Бундай эътироф бизга замонавий ускуналар сотиб олишга қўмак берган «Асака» банки жамоасига ҳам қаратилган, албатта. Чунки банк ёрдамисиз бугунги талаблар даражасида хизмат кўрсата олмас эдик.

Шунинг учун ҳам биз келгусида ушбу молия муассаси билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ниятидамыз.

Реклама ўрнида



Молиявий барқарорликдан — иқтисодий тараққиётга

Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини оширишга салмоқли ҳисса қўшаётган «Агробанк» очик акциядорлик-тижорат банкининг Тошкент вилоят бошқармаси тадбиркор ва фермерларнинг ишончли ҳамкорига айланди

Акбар МУЗАФФАРОВ,
 «XXI asr»

Буни банк жамоасининг Президентимиз фармонлари ва қарорлари асосида аграр соҳани тараққий эттириш, дехкон ва фермер хўжалиқларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик, баллиқчиликни ташкил этиш, янги техникалар харид қилишга ажратилаётган кредит маблағлари ҳажминини ошираётганида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, жорий йилнинг шу даврига қадар қорамолчилик, паррандачилик, баллиқчилик, асаларичилик соҳаларини янада ривожлантиришга 3 млрд. сўмга яқин кредит йўналтирилгани сўзимиз исботидир. Чопик тракторлари, ўрим комбайнлари, хар хил техникалар сотиб олинган эса 20 млрд. сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Чунинчи, банкнинг Оққўрғон филиали мижози бўлган «Озодлик» фермер хўжалиги банкнинг молиявий қўмаги асосида дон ўрниш комбайнига эга бўлди. Бу эса, ўз навбатида, хўжалиқнинг ички имкониятларини кенгайтириб, иш унумдорлигини янада оширмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга йўналтирилаётган сармоялар қорхоналар фаолиятини жонлантириш, бозорларни сифатли ва арзон маҳсулотлар билан тўлдиринишга ҳам хизмат қилаётди. Жумладан, жорий йилнинг ўзида мингта яқин лойиҳа учун 35 млрд. сўм кредит ажратилгани эвазига 987 та иш ўрни ташкил этилди.

Айни пайтда Ўзбекистонда ҳам аҳолини сифатли озиқ-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Буни яхши англаган «Агробанк»нинг Тошкент вилоят бошқармаси жамоаси тармоққа йўналтирилаётган кредитлар салмоғини йилдан-йилга оширмоқда. Хусусан, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга 10 млрд. сўмга яқин, ноозик-овқат истеъмол товарлари тайёрловчи тадбиркорларга эса 6,5 млрд. сўм кредит ажратилди.



Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга 10 млрд. сўмга яқин, ноозик-овқат истеъмол товарлари тайёрловчи тадбиркорларга эса 6,5 млрд. сўм кредит ажратилди.

ривчиларга 10 млрд. сўмга яқин, ноозик-овқат истеъмол товарлари тайёрловчи тадбиркорларга эса 6,5 млрд. сўм кредит ажратилди.

Банкнинг Янгибозор филиали мижози Баҳромжон Раҳимов етакчилик қилаётган «Маҳмудбек» фермер хўжалигига ҳам замонавий ускуналар харид қилиш,

сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш учун 86 млн. сўм кредит ажратилди. Натижанда 12 киши иш билан таъминланди.

Коллеж битирувчилари бандлигини таъминлаш, уларнинг тадбиркорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш борасида ҳам «Агробанк» хайрли ишларга қўл урмоқда. Бунда кишлоқ ёшларини тадбиркорликка жалб этиш борасида ўқув-семинарлар ташкил этилаётди. Ушбу амалий ишларнинг самараси ўларок, кўплаб ёшлар кичик бизнес соҳасини эгаллашяпти. Айниқса, банкка ўз бизнес лойиҳалари билан мурожаат қилаётган битирувчиларга ҳам моддий, ҳам маънавий қўмак бериш тизимли йўлга қўйилганини алоҳида қайд этиш жоиз. Жорий йилда банк ана шу мақсадлар учун 1 млрд. сўм миқдорда кредит ажратди. Бунда банк жамоасига Президентимизнинг таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги

қарори дастуриламал бўлмоқда. Тошкент вилоятида сервис соҳасини ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилляпти. Хизмат кўрсатиш тизимини янги босқичга қўтариш орқали янги иш ўринлари яратилиши мақсад қилган кичик бизнес субъектлари эса банк томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Мисол учун, Паркент туманидаги «Ўқтам Бунёдкор» МЧЖ банкнинг 70 млн. сўмлик кредити эвазига болалар учун спорт майдончаси бунёд этди. Таъкидлаш жоизки, банк томонидан айнан шу соҳа ривож учун жорий йилнинг 9 ойи давомида 65 та хўжалик юртувчи субъектга 2 млрд. сўмга яқин кредит маблағи ажратилган.

Бир сўз билан айтганда, «Агробанк» Тошкент вилоят бошқармаси томонидан йўналтирилаётган сармоялар юрдошларимизнинг эзгу мақсадлари, ордунлиқларини рўёбга чиқаришга хизмат қилаётди. Бу эса мижозларнинг банкка бўлган ишончини янада мустаҳкамляпти.

КАБАРЛАР

БАНД БЎЛМАСАНГИЗ, МЕХНАТ ЯРМАРКАСИГА БОРИНГИ!

Марғилон педагогика коллежиди 60 дан ортиқ муассаса иштирокида навбатдаги меҳнат ярмаркаси ўтказилди. 500 дан ортиқ иш ўрни тақдиф этилган ярмаркада асосий эътибор касб-хунар коллежлари битирувчилари ва ҳарбий хизматдан қайтган ёшлар бандлигини таъминлашга қаратилди. Худди шундай ярмарка Ёзёвон туманида ҳам бўлиб ўтди. Унда 18 та ташкилот 304 та доимий иш ўрни билан қатнашди. Ишга қабул қилинганларнинг 160 нафарини хотин-қизлар, қолганини эса коллеж битирувчилари ташкил этди. Туман мутасаддиларининг фикрича, йил охиригача меҳнат ярмаркалари орқали яна 2500 фуқарони иш билан таъминлаш кўзда тутилган.

ШАХРИХОН — ТАДБИРКОРЛАР ТУМАНИ

Шахрихон туман ҳокимлиги мутахассисларининг таъкидлашича, «Обод турмуш йили»да 70 та савдо шохобчаси, 15 та гузалик саломи ва саргароҳона, 12 та автомобилларга техник хизмат кўрсатиш маркази қурилгани натижасида 298 та янги иш ўрни ташкил этилган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган инвестициялар ҳажми эса 5 миллиард 740 миллион сўмдан ошди.

Ахроржон МУСҲУРМОНОВ.

ТАОМ ҚИММАТГА ТУШДИ. ЕМ-ХАШАК ХАМ...

Ички ишлар вазирилик матбуот хизмати маълумотларига кўра, жорий йилнинг 7-13 октябрь кунлари республикамиз бўйича жами 232 та ёнғин қайд этилиб, оқибатда 2 киши турли даражадаги куйиш жароҳатларини олган. Ёнғин хавфсизлиги ходимларининг тезкор ҳаракатлари билан қарийб 784 млн. сўмга тенг қурилиш конструкциялари ҳамда 600 млн. сўмлик товар-моддий бойликлар асраб қолинган. Аҳамиятлиси, ёнғинларнинг аксарияти аҳолининг хавфсизлик қондаларига ривож этишнинг тўғри йўлига қўйилган. Масалан, С.Солиев оила аъзоларини ўқода пиширилган таом билан хурсанд қилмоқчи бўлиб, бироз намикан ўтинларни бензин ёрдамида ёқишга ҳаракат қилган. Ёнғ ёмони, у тез аланга оладиган суякликни бошқа идишга кўчма электр ўчоқ олдида куймоқчи бўлган ва... Хуллас, айни пайтда шифохонада даволанаётган Солиевнинг энди анча вақтгача ўчоқ яқинига йўламаслиги аниқ. Қибрайлик фуқаро Я.Ҳасанов эса қишга гамлаб қўйилган ем-хашак қолдиқларини ёқиб юбормоқчи бўлган. Оқибатда 1 тонна сомондан ташқари молхонанинг 100 кв. метрга тенг томи ёниб, кул бўлган. Яхшиямки, чорва ёнғин содир бўлган жойдан ўз вақтида олиб чиқиб кетилган. Акс ҳолда, зарар бундан ҳам кўпроқ бўлиши мумкин эди.

Шўҳрат ХҲҲАЕВ тайёрлади.

Фаровонликка сарфланаётган миллиардлар

2013 йилнинг тўққиз ойида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар ҳажми 5,6 триллион сўмни ташкил этди. Бу ўтган йилнинг айни даврига нисбатан 1,3 мартага кўп, деганидир

Ўз мухбиримиз

Миллий матбуот марказида ташкил этилган «Банклар ва худудлар ҳамкорлиги: кишлоқ инфратузилмасини янада ривожлантириш борасида белгиланган устувор вазишлар» мавзудаги матбуот анжуманида ана шундай рақамлар тилга олинди.

Таъкидланганидек, айни пайтда тижорат банклари кредитлари биринчи навбатда олиб, бориш қийин ҳамда меҳнат ресурслари ортинча бўлган худудлардаги тадбиркорлик субъектларига ажратилаётди. Чунинчи, жорий йил бошида буён тижорат банклари чорвачиликни ривожлантириш учун 170,2, паррандачилик хўжалиқларини ташкил қилишга 58,5, мева-сабзавот, полиз экинла-

ри ва узум етиштиришга 56,8, баллиқчилик ва асаларичиликни ривожлантиришга 22 миллиард сўм миқдорда маблағ ажратган. Оилавий бизнес ва хунармандчиликни қўллаб-қувватлашга 99,6 млрд., шахсий ёрдамчи ва дехкон хўжалиқларига эса 86,5 млрд. сўмлик сармога йўналтирилди. Янги бов ва узумзорлар барпо этиш, шунингдек, мавжуд экин майдонларини реконструкция қилишга ҳам 56,8 миллиард сўм маблағ йўналтирилган.

Энг муҳими, ана шу маблағларнинг ўзлаштирилиши 15 минг нафар кишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш имконини берди.

Тадбирда кишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш комплекс дастурини амалга ошириш масаласида ҳам сўз юритилиб, 2009-2012 йилларда 159 та кишлоқ туман-

ида 650 та янги уй-жой масивини ташкил этилгани маълум қилинди.

Йил охиригача 353 та кишлоқ худудиди амунавий лойиҳалар асосида 10 мингта уй-жой қуриш кўзда тутилган. Ушбу мақсадлар учун банк кредитлари шаклида 1,3 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтириш режалаштирилганини мутахассислар алоҳида қайд эти-

дилар. Шунингдек, «Обод турмуш йили» Давлат дастурига мувофиқ банкларнинг ўз маблағлари ҳисобидан худудларда ёш оилаларга ипотека кредитлари бўйича кўп хондонли 105 та уй-жой барпо этилмоқда. Айни пайтда тижорат банкларининг ушбу мақсадларга сарфлаган инвестициялари 93,5 миллиард сўмни ташкил этади.

БИР ҲОВУЧ ДУР

ИЛМ БОБИДА НИМАНИКИ ЭШИТСАНГ, ЁЗИБ ҚҲЙ. ҚОҒОЗ БЎЛМАСА, ДЕВОРГА БЎЛСА ХАМ ЁЗ. ЧУНКИ ЁДАНГАН НАРСА УНУТИЛАДИ, ЁЗИЛГАН НАРСА ЭСА АБАДИЙ ҚОЛАДИ.

(Халқ мақолларидан)

ҚАРШИНING «ХАЛҚА ЙҲЛИ»

Қарши шаҳрида йўл-транспорт инфратузилмасини тубдан яхшилаш мақсадида узунлиги 56 километр бўлган халқа йўли қурилиши амалга оширилмоқда.

— Бу йўл Ҳузор-Қарши йўналишининг 43-километрдан бошланади, — дейди «Қашқадарё комплекс лойиҳа-қидирув экспедицияси» муҳандиси Мўмин Муродов. — Тахтапул, Араловул, Хонобод кишлоқларига борадиган шохобча йўл кейинроқ Қарши-Шахрисабз йўлининг 5-километри билан қосишади. Сўнгра Чокчай, Парғўза, Арабхона кишлоқларини кесиб ўтиб, Қарши-Самарқанд йўлига туташади. Қашқадарё дарёси устида замонавий йўл боғламаси бунёд этилади. Кейин Обидида, Хўжақўрғон, Шайхали аҳоли пунктлари орқали Бойтерек кишлоғида Бухоро йўлига туташади. Шайхалидан ўтган темир йўл линияси устида эса замонавий кўприк барпо этилади.

Айни пайтда халқа йўлининг 30 километрик қисмида қурилиш ишлари олиб бориляпти. Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун 234 миллиард 500 миллион сўмлик иш бажариш кўзда тутилган. Шундан 168 миллиард 500 миллион сўми 4 тасмали йўл, 66 миллиард сўми замонавий йўл ўтказгич ва йўл-транспорт боғламаси қурилишига сарфланади. Шунингдек, йўл четларида бир канча мотель, кемпинг, савдо ва умумий овқатланиш шохобчалари бунёд этиш режалаштирилган. Соҳа мутахассисларининг маълум қилишича, янги йўлнинг ишга туширилиши оғир юк машиналарини ва бошқа транспорт воситаларининг шаҳарни айланиб ўтишига имкон яратади. Бундай қулайлик эса, шубҳасиз, ҳаракат хавфсизлигига ҳам, экологик муҳитга ҳам ижобий таъсир этади.

Сайфулла ИҚРОМОВ.

Мамлакатимиз халқаро миқёсдаги

асосли ва эзгу ташаббуслари билан жаҳон ҳамжамияти хурматини қозонмоқда.

1945 йили АҚШнинг Сан-Франциско шаҳрида урушдан жабр кўрган 50 мамлакат вакиллари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомини ишлаб чиқди ва имзолади. Ўша йилнинг 24 октябрида бу Низом расман кучга кирди. БМТ Бош Ассамблеясининг резолюциясига биноан ушбу сана ҳар йили БМТ куни сифатида нишонланади

БМТ ҳақида гап кетганда, аввало, тинчлик, хавфсизлик ва барқарорлик масалалари қайд этилади. Ташкилот Низомининг 1-моддасида халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, тинчликка таҳдидларнинг олдини олиш, таъвожкорлик ҳаракатлари ёки тинчлик бузилишини бартараф этиш учун самарали коллектив чора-тадбирлар кўриш, адолат ва халқаро ҳуқуқ принципларига риоя этган ҳолда халқаро мунозаралар ёки низога олиб келувчи ҳолатларни ҳал этиш Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг асосий мақсади эканлиги белгиланган.

БМТ Бош Ассамблеясининг илк резолюцияси ҳам дунёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган. 1946 йилнинг 24 январда қабул қилинган ушбу ҳужжатда атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш ва оммавий қирғин қуролиларини йўқ

қилотига аъзо бўлди. БМТнинг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳи олдида мустақил давлатимиз байроғи хилпираб турибди. 1993 йил 24 август куни Тошкент шаҳрида БМТ ваколатхонаси очилди. Бугунги кунда мамлакатимизда унинг қатор таркибий тузилмалари – Тараққиёт дастури, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), Таълим, фан ва маданият масалалари билан шугулланувчи органи (ЮНЕСКО) ваколатхонаси фаолият кўрсатаётир.

Ўзбекистон тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, экологик муаммоларни бартараф этиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш борасида БМТ билан изчил ҳамкорлик қилиб келмоқда. Мамлакатимиз халқаро миқёсдаги асосли ва эзгу ташаббуслари билан жаҳон ҳамжамияти хурматини қозонмоқда. Президентимизнинг Афғонис-



24 октябрь — БМТ ташкил топган кун

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЮКСАК САМАРАЛАРИ

қилишга даъват ўз ифодасини топган. 1957 йилда Атом энергияси бўйича халқаро агентлик тuzилган. 1970 йилда Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартнома кучга кирган. 1996 йилда Бош Ассамблея томонидан Ядро қуроли синовларини яши тақиқлаш тўғрисидаги шартнома қабул қилинган.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мустақилликнинг илк йилларидан амалга оширилган мамлакатимизнинг тинчликпарвар сиёсати бу эзгу мақсад ва вазифаларга тўла мосдир. Хусусан, 1993 йилда давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш ташаббуси Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо мамлакатлар, Атом энергияси бўйича халқаро агентлик, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Ислам ҳамкорлик ташкилоти каби нуфузли халқаро институтлар томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланди. Марказий Осиёнинг шундай ҳудудга айланиши тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш ишига юксак ҳисса бўлиб қўшилди.

Ўзбекистон 1992 йил 2 март куни Бирлашган Миллатлар Таш-

тон муаммосини тинч йўл билан ҳал қилиш учун «6+2» мулоқот гуруҳини ташкил этиш, Орол муаммосини бартараф этиш, халқаро терроризм, диний экстремизм, наркотик моддалар ва қурол-яроғларнинг ноқонуний савдосига қарши кураш борасидаги таклиф ва ташаббуслари нафақат минтақа, балки глобал миқёсда ҳам муҳим воқеалар сифатида эътироф этилди. Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йил сентябрь ойида ўтган «Мингйиллик саммити»да халқаро терроризм ва психиатри моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши кураш, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, БМТ фаолияти ва унинг таркибий тизимини ислоҳ қилишга доир таклифларини билдирди. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг 1999 йилги Истанбул саммитида БМТ ҳузурида терроризмга қарши кураш бўйича халқаро марказ ташкил этиш тўғрисида илгари сурди. 2001 йил 28 сен-

▼ **Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонун мамлакатимиз тинчликсевар сиёсатининг амалдаги яна бир ифодаси бўлди.**

тябрда БМТ Хавфсизлик кенгаши доирасида терроризмга қарши кураш қўмитасининг ташкил этилиши бу воянинг амалдаги натижаси бўлди.

2006 йилда Бош Ассамблея Глобал аксилтеррор стратегиясини қабул қилди. Унда миллий, минтақавий ва халқаро миқёсда терроризмга қарши кураш самардорлигини оширишга қаратилган ҳаракат дастури белгиланди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонун мамлакатимиз тинчликсевар сиёсатининг амалдаги яна бир ифодаси бўлди. Мазкур концепцияда Ўзбекистоннинг ҳарбий-сиёсий бюрокларда шундай эҳтишом, ўз ҳудудда хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари ва объектлари жойлаштирилишига йўл қўймаслиги, қўшни давлатлардаги қуролиш можаролар ва кескинлик ўчоқларининг олдини олиш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўриши, давлатлараро алоқалар ва ҳамкорликни фақат икки томонлама асосда ташкил қилиши аниқ равшан баён қилинган.

Мамлакатимиз БМТ ташкилотлари билан турли йўналишларда самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. БМТ Тараққиёт дастури, ЮНИСЕФ ва ЮНЕСКО билан алоқалар кўламини кенг. ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, улар орасида юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш, эмлаш, мактаблар ва мактабгача тарбия муассасаларида тиббий маданиятни ошириш, санитария-гигиена қондаларига риоя этишни таъминлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда.

Ўзбекистонда аҳоли соғлигини сақлаш, репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом оилани шакллантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар халқаро миқёсда алоҳида эътироф этилмоқда. Ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ва уларнинг минтақавий филиаллари, кўп тармок-

ВОҚЕАЛАР, ШАРҲЛАР, ДАЛИЛЛАР

БАРТАРАФ ЭТИЛМАЙДИГАН ТАЛАФОТ

Жаҳон оммавий ахборот воситаларида хитойликларнинг ўта ифлосланган ҳаводан азият чекаётгани маълум қилинмоқда. Бу ҳолатга, асосан умумий иситиш тизимларида ёқилаётган кўмир сабаб бўлаётгани кўрсатиляпти. Айниқса, Харбин шаҳрида вазият анча мураккаб. Мактаблар ёпилган, бир қанча йирик автомагистралларда ҳаракат тўхтаган. Шаҳарнинг айрим ҳудудларида кўриш имконияти 10 метргача қисқарганлиги айтилмоқда. Шундай ҳолат Пекинда ҳам кузатилаётгани боис ҳукумат кексалар ва болаларни кўчага чиқмасликка чақираётир. Энг ачинарлиси, нафас йўллари касалликлари авж олган. Маълумотларга кўра, Хитойда ҳар йили ҳаво ифлосланишидан 1,2 миллионга яқин киши ҳаётдан кўз юмляпти. Аммо мамлакат кўмирдан воз кеча олмаслиги ҳеч кимга сир эмас. Чунки бу ерда ишлаб чиқариладиган энергиянинг 68,4 фоизи ана шу ёқилги ҳиссасига тўғри келади.



СУД БЕРЛУСКОНИГА ЖАЗО ТАЙИНЛАДИ, ЛЕКИН...

Милан шаҳар суди Италиянинг собиқ бош вазири Сильвио Берлусконига икки йил давомида давлат лавозимларини эгаллашни тақиқлаб қўйди. Бунга Берлусконига қарашли «Mediaset» холдинг компаниясидаги молиявий фирибгарликлар сабаб бўлди. Суд қарори Сенат томонидан маъқуллангандан кейин кучга киради. Эслатиб ўтамиз, ўтган йили 77 ёшли сиёсатчи солиқ соҳасидаги жиноятлари учун тўрт йилга қамалиши ҳақида ҳукм чиқарилган эди. Италия қонунларига кўра, Берлусконни қамокда фақат бир йил ўтириб чиқиши керак. Аммо у кексалиги туфайли ушбу муддатни ҳам уй қамогида ёки жамоат ишларида ўтказди.

12 КИШИГА ҚАРШИ 16 МИНГ ҚУЁН

Шотландиянинг Канна оролида истиқомат қилувчи одамлар учун куёнлар ҳақиқий офатга айланди. Бир қарашда беозор кўринган жониворлар ўсимликларни еб, ерларни қавлаб ташламоқдалар. Оқибатда кўплаб бино ва ҳайкаллар пойдевори дарз кетган. Куёнлар «шарофати» билан оролдаги бир ёқлама яғона йўл ҳам тупроқ кўчиши туфайли ишдан чиққан. Ҳозир оролда 16 мингга куён борлиги маълум қилинмоқда. Аҳоли сони эса... 12 кишидан иборат. Яқинда ҳукумат куёнларни захарли газ билан қиришга қарор қилди.



САЛКАМ ТҮРТ МИНГ ЙИЛГА ҚАМАЛГАНДИ

Испания суди 1987 йилда террорчилик содир этиб, йигирма тўрт кишининг ўлимига алоқдорликда айбланган ва 3838 йилга озодликдан маҳрум этилган баскларнинг ЭТА радикал ташкилоти аъзоси Инес дель Рио Прадани озодликка чиқарди. Эслатиб ўтамиз, бундан аввал ҳам Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди Испания ҳукуматига террорчи баск аёлини озод этишга кўрсатма берган эди.

ли шифохоналар, оилавий поликлиникалар ва замонавий қишлоқ врачлик пунктларида аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатишмоқда. ЮНЕСКО фан-таълим ва маданият соҳаларини ривожлантириш, қадимий обидларни асраб-авайлаш борасида Ўзбекистон билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўтган давр мобайнида ЮНЕСКО шафелигида Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Аҳмад Фарғоний, Имом Бухорий, Камолддин Бехзод каби буюк аждодларимиз, Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Шахрисабз, Қарши, Тошкент, Марғилон сингари қадимий шаҳарларимиз, «Ал-помини», «Авесто» каби бебаҳо адабий ёдгорликлар, шунингдек, Хоразм Маъмур академиясининг юбилейлари халқаро миқёсда кенг нишонланди.

Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шахрисабз шаҳарларининг тарихий-маданий объектлари ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатида киртилган. ЮНЕСКО қарорига мувофиқ, 2001 йилда Бухоро «Тинчлик шаҳри» деб эълон қилинди. Бойсун маданий мероси, Шанмақом, катта ашула ва Наврўз инсониятнинг номдўш маданий мероси сифатида ЮНЕСКОнинг Репрезентатив рўйхатидан жой олган. Атроф-муҳит муҳофазаси, та-

бий бойликлардан оқилона фойдаланиш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти фаолиятининг муҳим йўналишларидан биридир. Ўзбекистон Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишда атроф-муҳит муҳофазаси муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб келади. Хусусан, Орол инқирозининг атроф-муҳитга, энг муҳими, бу ерда яшаётган миллионлаб одамлар ҳаётига ҳалокатли таъсирини қамайтириш бугунги кундаги энг муҳим вазифалардандир.

2010 йил апрель ойида мамлакатимизга таширф бўлган БМТ Бош котибни Пан Ги Мун Оролбўйида бўлди ва у ердаги экологик бўғрон оқибатини билан самарали раҳбарнинг бarchа таклиф ва ташаббуслари БМТнинг бош мақсадларига мос ва ҳамоҳангдир.

Анвар САМАДОВ, ЎЗА шарҳловчиси.

XXI ASR
Ijtimoiy-siyosiy gazeta

2014 йил учун ОБУНА давом этмоқда!

Мурожаат учун телефон: (8 371) 215-63-80, e-mail: xxi_asr@mail.ru, web sayt: www.21asr.uz

Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.

Ўсмир футболчиларнинг психологик,
яъни руҳий ҳолати ўзгарувчан бўлишини ёддан чиқармаслик керак.



Гидрометеорология марказидан олинган маълумотларга кўра, 24-31 октябрь кунлари Ўзбекистонда об-ҳаво ўзгарувчан бўлиб, ҳафта ўрталарида мамлакатимизга кириб келган совуқ ҳаво оқими дам олиш кунларига ҳукмронлик қилади. Республика бўйлаб ёнғинлиқ бўлиши кутилмоқда. Шимоли-шарқдан 7-12 м/с тезликда шамол эсади, 25-26 октябрь кунлари унинг тезлиги 15-20 м/с гача кўзаяди. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида 24 октябрда кечаси 0-5, кундузи 10-15, 25-27 октябрь кунлари эса кечаси 2 даража совуқдан 3 даража илқича, кундузи 3-8 даража илқича пасаяди. Навоий, Бухоро, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ҳарорат кечаси 6-11, кундузи 15-20 даража илқидан, жума-шанба кунлари бориб кечаси 1-6, баъзи жойларда 0-2 даража совуқча тушиб кетади, кундузи 10-15 даража илқ бўлади. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳарорат 24 октябрда кечаси 8-13, кундузи 18-23 даража илқ, 25-27 октябрь кунлари кечаси 3-8, кундузи 13-18 даража илқ бўлиши кутилмоқда. Республикаимизнинг шарқи — Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида термометр миллилари кечаси 6-11, кундузи 13-18 даража, 25-27 октябрь кунлари эса тунда 1-6, кундузи 8-13 даража илқ бўлиши кўрсатади. Тошкент вилояти ва пойтахтимизда ҳарорат кечаси 6-11, кундузи 15-20 даража илқ бўлиб, жума-шанба кунлари кечаси 1-6, баъзи жойларда 0-2 даража совуқча тушиб кетади, кундузи 10-15 даража илқ бўлади. Тоғли ҳудудларда ҳарорат 24-25 октябрда 0-5, кундузи 5-10 даража илқ, 26-27 октябрь кунлари эса кечаси 2 даража совуқдан 3 даража илқ, кундузи 3-8 даража илқича пасаяди.



Хорватия футболчилари сўнгги рақиб эмас

Бирлашган Араб Амирликларида тобора қизгин паллага кираётган футбол бўйича ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионати гуруҳ баҳсларининг иккинчи турида марокашликлар терма жамоаси билан дуранг ўйнаган ҳамюртларимиз мусобақанинг нимчорак финалига чиқиш масаласини деярли ҳал қилдилар

Шухрат ХУЖАЕВ,
«XXI asr»



Маълумки, чемпионатнинг биринчи турида юрдошларимиз панамалик тенгдошларини 2:0 ҳисобида мағлуб этган бўлсалар, африкаликлар Хорватия ўсмирлар терма жамоасини 3:1 ҳисобида енгган эдилар. Шу боис, иккинчи турда бир-бирига рўбарў бўлган пенкадаллар плей-офф босқичи йўлланмасини қўлга киритиш, аниқроғи, ғалаба қозониб, уч очкога эга бўлиш мақсадида майдонга тушишди. Бирок биринчи ярми Марокаш ўсмирлари, иккинчи бўлими эса Дилшод Нуралiev шогирдларининг устулгинида ўтган ўйинида ҳисоб очилмади. Учрашув охирида ҳар икки томон ҳам қарши ҳужумларни ўтказиб юбориб, гол қўйиб юборгандан кўра, бир очколи бўлишни афзал кўришди чоғи. Шатжада ҳисобидаги очколар сонини 4 тага етказган ҳар икки терма жамоа гуруҳдаги мавқеини сақлаб қолди. Энг муҳими, шу тартика марокашликлар сингари вакилларимиз ҳам 1/8 финал йўлланмасини қўлга киритишдан иборат минимум вазифани бажаришга муваффақ бўлдилар. Эслатиб ўтиш жоиз: мусобақа регламентига мувофиқ, чемпионатнинг нимчорак финали босқичига 6 та гуруҳда биринчи ва иккинчи ўринларини банд этган (жами 12 та) ва учинчи ўринни эгаллаганлар орасида энг яхши натижани қайд этган 4 та терма жамоа йўл олади. Ишончимиз комилки, ҳозирча дарвозалари дахлсизлигини сақлаб турган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси нафақат ана шу 16 жамоа сафидан ўрин олиш, балки кейинги ўйинларда ҳам

ижобий натижаларни қайд этишнинг удрасидан чиқади. Зеро футболчиларимиз намоийн этаётган ўйинларни кўриб, айтиш мумкинки, йилгиларимизда бунга нафақат хоҳиш, балки имконият ҳам етарли.

«С» гуруҳининг бугун ташкил этиладиган учинчи тур беллашувларида вакилларимиз Панама терма жамоасини 1:0 ҳисобида мағлуб этган хорватиялик ўсмирларга қарши тўп суралар. Марокаш футболчилари плей-оффга чиқа олмаслиги аниқ бўлган панамаликлар билан баҳслашади.

Эътиборлиси, Дилшод Нуралiev шогирдлари гуруҳ босқичи доирасидаги сўнгги беллашувини ҳам улар учун кадрдон бўлиб қолган Фужайра шаҳрида ўтказадилар.

Мазкур ўйин билан бир вақтда бўлиб ўтадиган Марокаш-Панама баҳси эса Шаржадаги стадионда ўтади.

— Бугун Африка жамоасига қарши тўп сурдик. Одатда мазкур кўчга жамоалари ана шу ёш тоифасида айни кўчга тўлган бўлади. Шунинг учун жуда қийин келган ўйинда кўрсатган матонатларини учун шогирдларимизга миннатдорлик билдирдим, деди ФИФА расмий сайтига интервью берган Дилшод Нуралiev. Олдимизда яна бир муҳим ўйин турибди. Хорватия билан бўладиган баҳсга етарлича тайёргарлик кўриш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш, шунингдек, чиройли ўйин кўрсатиб, мухлисларимизни хурсанд қилиш учун бор

куч-гайратимизни ишга солишга ҳаракат қиламиз. Иккуниятларимиз, яъни чемпионатда қайт ётишимиз мумкин бўлган натижаларга келсак, ушбу ёш тоифасида Бразилия, Ўзбекистон ёки Марокаш терма жамоаларини яққол фаворит сифатида кўрсатиш ноўрин, деб ўйлайман. Зеро ўсмир футболчиларнинг психологик, яъни руҳий ҳолати ўзгарувчан бўлишини ёддан чиқармаслик керак. Демакки, бундай мусобақаларда ҳар бир ўйинга етарлича тайёргарлик кўрган жамоа ўз мақсадида етишиши мумкин.

Дарвоқе, шу кунга қадар Бразилия, Италия, Япония, Тунис, Уругвай ва Нигерия терма жамоалари нимчорак финал йўлланмаларини қўлга киритиб бўлди.

ҚИЗИҚАРИ ХАБАРЛАР

ТОШКЕНТДА «ШОКОЛАДЛИ» ҲАЙКАЛ УРИАТИЛДИ



«Nestle Uzbekistan» МЧЖнинг Тошкентдаги фабрикаси ҳовлисида улкан шоколад бўлағи кўринишидаги ҳайкал барпо этилди. Olat.uz маълумотларига кўра, 2,5 метрли «ширин» экспонат бир қарашда шоколаддан тайёрлангандек кўринса-да, аслида маталдан (каркаси) ясалиб, ёғоч билан қопланган. Хабарларга қараганда, 80 кг.ли «Kit-Kat» шоколад бўлағи Google компаниясининг смартфонлар, планшетли компьютерлар, электрон китоблар ва бошқа ускуналар учун яратилган Android операцион тизимидан фойдаланувчилар сони дунё бўйича 2013 йилнинг сентябрь ҳолатига 1 миллиарддан ошиб кетгани муносабати билан ўрнатилган. Шунинг учун ҳам ҳайкал айнан Android рамзи — ўзга сайёралик одам кўринишида ясалган.

«ГННЕС»НИНГ ПИВОГА ҚАНДАЙ АЛОҚАСИ БОР?

Одамлар ва жониворлар томонидан қайд этилган ўзига хос кўрсаткичлар, шунингдек, кишини ҳайратга солувчи табиат ҳодисалари ҳақида ҳикоя қилувчи илк китоб 1955 йили Ирландия пиво компанияси буюртмасига мувофиқ чоп этилганини кўпчилик билмас керак. Маълумотларга кўра, «Guinness Brewery» компаниясининг ўша даврдаги бошқарувчиси Хью Бивер қовоқхоналарга келган миқозлар орасида ҳар хил мавзугар бўйича тортишувлар юзага келишини ўрганиб чиқиб, уларнинг баҳсларига чек қўйиш ҳамда қўшимча даромад олиш мақсадида мазкур китобни чоп этишга қарор қилган экан.

Ҳар йили бир марта нашр қилинадиган ушбу рисола дастлаб 5 минг нусхада тарқатилган бўлса, айни пайтда 40 дан ортиқ мамлакатда қарийб 30 тилда чоп этиладиган китобнинг адади 100 миллиондан ошиб кетган.

НАИОПАЙПОҚ ҚИШДА ИСИТАДИ, ЁЗДА СОВУТАДИ

«Итоги» нашрининг хабар беришича, Россия Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ўт ўчирувчилар учун қарийб 63,5 минг жуфт пахтадан тайёрлаб, кумуш наноаррачлар билан «тўйинтирилган» пайпоққа буюртма берган. Маълумотларга кўра, кумуш молекулалари бактерияларни қириш хусусиятига эга бўлиб, тери касалликларини келтириб чиқарувчи замбуруғларни йўқотишга ёрдам беради. Бундан ташқари, кумуш моддаси билан бойитилган пайпоқлар қишда оёқни совуқдан, ёзда эса иссиқдан асрайди. Энг муҳими, нанотехнологиянинг сўнгги ютуқлари асосида ишлаб чиқарилган кумуш пайпоқларнинг хизмат кўрсатиш мuddати пахтадан тайёрланган оддий пайпоқларникига нисбатан тахминан ўн баробар кўп экан.

Реклама

LADA БИЗНЕС

от дилера «SARDOR AVTO INVEST»

ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

ВИС-2347, LADA SAMARA, борт.

ВИС-2347, LADA SAMARA, фургон.

ВИС-23460, LADA NIVA, 4x4.

ВИС-23461, LADA NIVA, 4x4.

ЦЕНТРЫ ПРОДАЖ В ТАШКЕНТЕ:
Тел./факс: (371) 215-09-11, 215-18-17.
Тел.: (+99891) 162-99-99, (+99898) 303-90-09.
(+99895) 177-01-17.

Узнай больше на сайте www.sardor-avto.uz

Реклама

«NAVOIYAZOT»
OCHIQ AKSIYADORLIK JAMIYATI

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЕТАКЧИ КИМЁ
КОРХОНАЛРИДАН ҲИСОБЛАНГАН
«NAVOIYAZOT» ОАЖ**

**2013 йил 29 октябрь-2 ноябрь кунлари
ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН
VII ХАЛҚАРО Саноат ярмаркаси ва
КООПЕРАЦИОН БИРЖАСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ**

«Ўзкимёсаноат» ДАК стендидан корхонамизда ишлаб чиқарилаётган анъанавий ҳамда янги маҳсулот намуналари жой олади Сизларни ҳамкорларимиз каторида кўришдан мамнун бўламиз!

Ўзбекистон Республикаси, 210105, Навоий-59,
Факс: (+99879) 223-75-80. Маркетинг бўлими: (+99879) 229-29-99,
e-mail: market@navoiyazot.uz
СОТУВ БЎЛИМИ: (+99879) 229-23-04, 229-21-68,
e-mail: sale@navoiyazot.uz

www.navoiyazot.uz

Маҳсулот сертифициланган

Автомобили УАЗ

от дилера «SARDOR AVTO INVEST»

УАЗ Patriot (comfort) — пикап

Полноприводный (4x4)

ЦЕНТРЫ ПРОДАЖ В ТАШКЕНТЕ:
Тел./факс: (371) 215-09-11, 215-18-17.
Тел.: (+99891) 162-99-99, (+99898) 303-90-09.
(+99895) 177-01-17.

Узнай больше на сайте www.sardor-avto.uz

XXI ASR
ИТИМОИЙ-СИОСИЙ ГАЗЕТА

ТАДБИРКОРЛАК ВА
ИШБИРАКМОНЛАР НАВАКАТИ —
O'ZBEKISTON LIBERAL-
DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ТАХРИРИЯТ: Темур АБДУРАХМОНОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Шаҳзод НАЗАРОВ, Озод РАҲАБОВ, Муҳаббат РАВШАНОВА, Носир ТОШЕВ, Шухрат ХУЖАЕВ, Марк ЮСУПОВ, Ориф УЛМАСОВ, Янгибой КЎЧҚОРОВ.

БЎЛИМЛАР: Котибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Аxbорот ва тахлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ешлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, Қабулхона 215-63-80 (тел./факс).

ТАХРИРИЯТ МАНБИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй. ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXlas@yahoo.com, XXI_ASR@mail.ru

© «XXI ASR»дан олинган маълумотларда мавза сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

«Ўзбекистон» НМИУ бошмақонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

ЎЗШМУХАРАК: Милош АбДУРАХМОНОВ.

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва аxbорот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

Буёртма рақами: 1 8346 Тираж: 16216
Баҳои келишилган нархда.
Топширилди — 2000

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

ISSN 2181-497X

7 721 81 497 0 1

Навбагчилар:
О.РАҲАБОВ, Б.ИСРОИЛОВ.